

Мавзу:«Иш ҳаракатлари.
Кўл ҳаракатлари ва
антропометрик ўлчамлар»

Режа:

- 1. Иш ҳаракати ва иш асбоби.
- 2. Инсон қўли ва панжаларини биомеханик хусусиятлари.
- 3. Қўл панжаларнинг антрометрик ўлчамлари.
- 4. Қўллар занжирининг инерцион масса тавсифи.



- Кўп меҳнат жараёнларида қўл билан қилинадиган ҳаракатлар **мануал ҳаракатлар** дейилади. Бу ҳаракатларнинг самарадорлиги ишлатилаётган асбобнинг сифати ва ундан моҳирона фойдаланишга боғлиқ. Шунга кўра, асбоб шундай яратилиши лозимки, бунда у билан ишлаш хавфсиз ва қулай бўлиш билан биргаликда юқори иш унумига эришиш керак. Бунинг учун асбоб конструкцияси одамнинг ҳаракатдаги аппаратининг биомеханик хусусиятларига мос келиши лозим.

Одам панжаси ва қўлининг биомеханик хусусиятлари

Кўйида одам панжаси ва қўлининг шундай хусусиятлари кўриб чиқиладики, улар бевосита иш асбобини яратишда ва иш ўрнини ташкил қилишда муҳим роль ўйнайди.

Антрапология фанида одам панжасининг 20 данг ортиқ характерли ўлчамлари мавжуд. Аммо биомеханик ва эргономик ҳисобларда фақат асосий ўлчамларидан фойдаланилади. Аёл ва болаларнинг қўл панжаларининг ўлчамлари эркакларникига нисбатан кичик, бу ҳол асбобларни яратишда Эътиборга олинади.

1-расм Панжанинг асосий үлчамлари, мм



1-жадвал. Эркак ва аёл панжаларининг ўлчамлари, мм

Ўлчов турлари	Белгиси	Эркаклар		Аёллар	
		Ўртacha	Максимал	Минимал	Ўртacha
Панжа узунлиги	А	193	208	178	176
Панжа кенглиги(бош бармоқ асоси бўйича)	Б	86	94	79	74
Ўрта бармоқ узунлиги	В	117	127	104	102
Панжа ўзаги узунлиги(мушт марказигача бўлган масофа)	Г	76	81	71	74
Бош бармоқ узунлиги	Д	69	76	61	61
Хат ёзишда панжа узунлиги	Е	117	127	104	-

Кўллар занжирининг инерцион масса тавсифи

- Айрим иш ҳаракатларини бажаришда, хусусан зарба беришдаги ҳаракатлар, виброасбоблар билан ишлашда қўллар занжирида катта кучлар ҳосил бўлади. Бу кучлар ўз ўрнида турли касалликларга олиб келади.
- Бунда кучлар ҳаракатнинг маълум (тажрибалар асосда аниқланган) кинематик характеристикалари орқали аниқланади. Ҳисобларни бажариш учун асбоб ва қўл занжирининг инерцион массаси тавсифини билиш лозим.

Асосий инерцион масса тавсифларига куйидагилар киради:

- тананинг алоҳида кисмларининг
массаси;
- массалар марказининг
координаталари;
- инерция моменти.

Қўлларнинг мезоний модели

- Турли хил биомеханикавий таҳлил қилишда ва моделлаштириш жараёнида қўл тузилиш бўйимча барча маълумотлардан фойдаланилмайди, балки ЭНГ керакликларидан фойдаланилади. Қуйидаги усул билан қўлнинг «мезоний модели» турли деталлаштириш даражаси билан яратилган

- Биомеханик изланишлар олиб борилаётганда тажрибада қатнашаётган алоҳида олинган одамнинг қўли мезоний қўлдан үзининг шаклли ва үлчамлари билан фарқланади. Шу сабабли хам мезонний қўллар үлчамлари тажрибада қатнашаётган аниқ одамнинг үлчамларидан фарқ қиласи (мисол учун мускуклнинг куч елкаси ва ҳоказолар). Бу фарқларни ҳисобга олиш мақсадида антропометрик масштаблаш усулидан фойдаланилади.

- Бунда қуидаги фараздан қилиб чиқилади, одамларнинг бутун тана тузилиши, хусусан қул қисмлари қуидагилар билан фарқланади: уч ортогонал ўқقا нисбатан параллел кўчиш, буралиш, чўзилиш ёки қисилиш билан. Бу фарқланишларни математик ифодалаш учун амалда чизиқли трансформация усулида фойдаланиш қулайдир. Бу усулда 4×4 кўринишдаги матрицадан фойдаланилади.

• Бу усулнинг моҳияти қўйидагича. Фараз қилайлик биз мезоний моделда антропометрик нуқтанинг уч (X_1, X_2, X_3) нуқтасини қайд қилмоқдамиз. Уч ўлчамли вектор элементига яна бир 1 га тенг элементни кўшиб ёзамиз. Бу ўзгаришларни 4×4 ўлчамли T матрикаси билан ифодалаймиз:

- $\begin{matrix} & \\ & !0 \\ T = \{ & 3 \times 2 !0 \} \end{matrix}$
- $\underline{\quad !0 \quad}$
- $1 \times 3 !1$

Т матрицаси үз ичига 12 та номаълум элементни олади. Бу номаълум элемент қийматларини топиш учун экспериментал тадқиқот ўтказиб, мезоний қўл моделидаги ва ҳақиқий қўлдаги бир номдаги 12 антропометрик нуқталар координатларини ўлчашимииз лозим. Маълум чизиқли тенгламалар системасини ечиб, Т матрицаси топганнимиздан сўнг синалаётган қўлнинг биометрик параметрларини аниқлашимиз мумкин. Бу параметрлар ичига тирик одамда ўлчаб бўлмайдиган параметрлар (мисол учун, мускул тортиш кучининг елка узунлиги) ҳам киради.



**ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН
РАХМАТ!**